



Xabar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqqan boshlagan

2001 yil, 9 noyabr № 46 (479)

Sotuvda narxi erkin

ХАЙЪАТ ЙИГИЛИШИДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг навбатдаги хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисни Агентлик Бош директори А. ОРИПОВ олиб борди. Унда қатор масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда "Телекоммуникациялар хизматлари сифат кўрсаткичлари мониторинги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил, 14 августдаги "Алоқа соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар, давлат ва тармоқ стандартлари талабларини, кўрсатилаётган хизматлар сифатини бузганлик учун молиявий санкциялар (жарималар) тўғрисида"ги қарорининг бажарилиши" юзасидан Давлат алоқа инспекциясининг маълумоти тингланди. Маълумотга кўра жорий йилнинг 9 ойи мобайнида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши тасдиқлаган текширишлар режасига мувофиқ ДАИ томонидан 279 та текширувлар амалга оширилган. Ўтказилган текширишларда шу нарса маълум бўлганки, баъзи корхоналарда шикастланишлар назорати мuddатидан ўтиб бартаф этилган, вақт кўрсаткичи ва статистик маълумотларни бузиб кўрсатиш ҳоллари учраган. Айрим ҳолларда текширишларни амалга ошириш вақтида қўрсаткич ҳисобга олиш ҳужжатларининг йўқлиги сабабли статистик ҳисоботни тўлғазишнинг тўғрилигини аниқлаш имконияти қийинлашган. Шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан

"Ишонч телефони" хизматига келиб тушаётган шикоятларни тафтиш қилиш бўйича сифатли маълумотлар тайёрлаш таъминланмаётганлиги ва бошқа жуда кўп камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилганлиги қайд қилинди. Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ишларида мавжуд камчиликларга оператив таъсир этиш ҳамда статистик ҳисоботлар ҳаққонийлигини таъминлаш ва молиявий санкцияларни ҳисоблаш учун ДАИ, "Ўзбектелеком" АК ва "Ўзбекистон почтаси" ДАКлари ўртасида битимлар тузилгани, бу борада маълум бир натижаларга эришилганлиги айтиб ўтилди.

"Алоқа тармоғи корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида" Ўзбекистон алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т. Назаржонов маърузаси тингланди. Маърузачи тармоқ корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқилган бўлсада, жойларда мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳамда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиб боришда профилактик ишлар етарли даражада олиб борилмаётганини таъкидлади. Шунингдек, ўтказилган текширишларда "Ўзбектелеком" АК таркибидagi филиалларда кўпгина камчиликлар аниқланганини жумладан, "Сурхондарё Телеком" Ш.К., "Хоразм Телеком" ва "Тошкент Телеком" АЖларида автотранспорт воситаларидан фойдаланишда камчиликлар бор-

лигини, жойларда техника хавфсизлигига тўлиқ риоя этилмаганлиги боис бахтсиз ҳодисалар рўй бераётганлигини, меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги муаммолар "Ўзбекистон почтаси" ДАКда ҳам мавжудлигини, бундай муросасизликлар билан келишиб бўлмаслигини айтиб ўтди.

"Почта ва телекоммуникациялар соҳасида ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар доирасида ҳамкорлик ҳамда корхона ва ташкилотларнинг халқаро ташкилотлардаги иштироки хусусида" Агентлик халқаро алоқаларни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Х. Каримов маъруза қилди. Маърузада бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан почта ва телекоммуникациялар соҳасида 22 та ҳамкорлик тўғрисидаги, хорижий алоқа маъмуриятлари билан 17 та идоралараро битимлар тузилганлиги, ўтган йили Истамбул ва Канада шаҳарларида ўтказилган халқаро анжуманларда Ўзбекистон делегациясининг иштироки, "Ўзбектелеком" АК ҳамда "Ўзбекистон почтаси" ДАК алоқа соҳасидаги минтақавий, ҳамдўстлик доирасида фаол иш олиб боришаётгани, бугунги кунда республикамизнинг "Интерспутник" халқаро йўлдошли ташкилотга аъзо бўлиш масаласи кўриб чиқилаётгани ва бошқа масалалар хусусида тўхталиб ўтди.

Хайъатда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

И. АХМЕДОВ

ТАЙИНЛАШЛАР



Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг му- тахассисларни тайёрлаш ва қай- та тайёрлашни ташкил этиш бўлими бошлиғи вази- фасида иш- лаб келган **Равшан Акбарович АСҚАРОВ** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг келишувига ҳамда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги бош директори буйруғига кўра Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб- қувватлаш жамғармаси директори этиб тайинланди.



"UZPAK" маълумотларни уза- тиш тармоғи давлат корхонаси бош директори вази- фасини ба- жариб келаётган **Миродил Мир- заилевич САНГИЛОВ** Ўзбеки- стон Республикаси Вазирлар Маҳ- камасининг келишувига ҳамда Ўзбекистон почта ва телеком- муникациялар агентлиги бош дирек- торининг буйруғига кўра шу корхонанинг бош дирек- тори этиб тайинланди.



Ўзбекистон Республикаси Ва- зирлар Маҳкамасининг Идора- лараро мувофиқлаштириш комис- сиясининг ишчи гуруҳи раҳбари вази- фасида ишлаб келган **Фо- либшер Мелибоевич ЗИЯЕВ** Ўзбекистон Республикаси Вазир- лар Маҳкамасининг келишувига ҳамда Ўзбекистон почта ва те- лекоммуникациялар агентлиги бош директори буй- руғига кўра Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи этиб тайинланди.

Обуна - 2002

"ХАВАР" ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАРИ

Янги обуна мавсуми бошланди. Агар Сиз "Хавар"га яна обуна бўлсангиз, алоқа соҳасидаги жамики янгиликлар, муаммолар ва диққатга сазовор масалалардан ўз вақтида хабардор бўлиб борасиз.

"Хавар" газетасига 2002 йил учун обуна давом эт- моқда. Газетамизга барча алоқа бўлимларида ва газе- та дўконларида обуна бўлиш мумкин.

Нашр кўрсаткичи:

Якка тартибдаги обуначилар учун - 227.
Ташкилотлар учун - 228.
"Хавар" газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума куни хонадонингизга қириб боришини истасангиз, тезроқ обу- на бўлишга шошилинг!

ФИКРИНГИЗГА ҚЎШИЛАМАН

• Муносабат

Мен 1962 йилдан бери алоқа соҳасида ишлаб кела- ман. Кейинги пайтларда "Хавар" газетасида ўқишли, долзарб мавзудаги мақола- лар чоп этиляпти. Бундан биз - газетехонлар мамнунмиз. Менда айниқса, Р.Болтабоев- нинг "Бошқарув аппаратини такомиллаштириш - давр талаби" мақоласи (12 ок- тябр, 42-сон) катта таассурот қолдирди. Муаллиф ма-

қолада жуда керакли ва за- рур мавзунини қаламга олган. Ҳақиқатан ҳам айрим жой- ларда кадрларга яхши эъти- бор берилмади. Айниқса, Сурхондарё вилоятида бу ма- салага бепарволик билан қараш ҳоллари юз бермоқ- да. Раҳбарлик вази- фалари- га тайинлашда ҳам таниш- бишличиликка йўл қўйил- моқда. Бу эса қуйи алоқа тар- моғида жиддий ўзгаришлар

қилишга тўсиқ бўлмоқда. Агар юқоридаги салбий ҳолатларга барҳам берилса қўлаб муам- молар ўз ечимини топар эди. Мен мақолада тилга олин- ган барча фикрларга қўшила- ман. Қанийди, шундай мақо- лалар кўпроқ бўлса.

Туроб САИДОВ,
"Сурхондарё почтаси" АЖ,
Шўрчи филиали,
Бахтлигана алоқа
бўлими ходими

ТАЛАБАЛАРГА МАЪҚУЛ БЎЛДИ

Тошкент электротехника алоқа институти- да талабаларга таълим бериш жараёнида ўқув адабиётларидан кенг фойдаланилмоқда. Олий ўқув юртида автоматлаштирилган кутубхона- нинг ташкил этилиши эса нур устига аъло нур бўлди. Чет эл адабиётлари билан таъминлан- ган бу зиё маскани "Ирбис" дастури бўйича фаолият кўрсатмоқда ҳамда аспирантлар мар- кази ва ўқув хоналарига хизмат қилмоқда. Ай- ниқса, кутубхонада Телекоммуникациялар ва

ахборот технологияларига доир турли нашрларнинг борлиги талабаларга маъқул бўлмоқда.

Шунингдек, зиё маскани чет эллик педагог олимларнинг соҳага оид ўқув маърузалари ёзил- ган 150 та видеотасма, 100 дона компакт дис- ка ҳам эга бўлди. Бу матнлардан машғулот- ларда фойдаланиш йўлга қўйилди.

А. АЛИЕВ

Бугунги кунда "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" АЖда 510 минг телефонлар мавжуд бўлиб, шундан 130 мингга яқини рақамли электрон АТСларга уланган.

Тошкент шаҳридаги 71 та телефон станциясидан 21 таси замонавий электрон станциялардир. Уяли алоқа компаниялари ва қатор бошқа идоравий тармоқ телефонларини ҳисобга олмаса, ҳар 100 нафар шаҳар аҳолисига йигирма тўрттага яқин, ҳар 100 оилага эса 75 телефон нуктаси тўғри келади. Шаҳарда алоқанинг 140 минг рақамли каналларини таъминлайдиган, жаҳон андозаларининг бошқа маҳсус ўлчамларига эга бўлган 250 км. узунликда оптик-толали кабел ётқизилган. Шунингдек, модернизациялашни талаб қиладиган яна 35 мингта канал мавжуд.

Жорий йили корхонада алоқанинг фақат юқори тезликдаги каналларида фойдаланиладиган маълумотлар узатиш тармоғи ташкил этилди. Ушбу тармоқдан хусусий биллинг марказ ва хусусий корпоратив тармоқ хизмати ҳамда Интернетта боғланиш учун фойдаланилади. Бундан ташқари унинг хизматидан баъзи хорижий компаниялар, банклар ва "Тошкент почта" АЖ ҳам жуда унумли фойдаланмоқда. Шу йилнинг 4-чорагидан бошлаб қуввати 1024 рақамга мўлжалланган янги электрон АТСлар ишлатила бошланади. Ҳозирда

бундай янги қурилмалар Тошкент шаҳридаги Қўйлик 7-даҳаси ҳамда Лисунова даҳасидаги 96-АТС биносига ўрнатилди. Шунингдек, ИБн Сино даҳасидаги 10 минг рақамга хизмат кўрсатадиган 118-АТСни ишга тушириш

тўланганидан сўнг, бир соат ичида телефони қайта уланади. Шаҳарлараро ва халқаро сўзлашулар ҳақи кейинги кундан бошлаб тўланиши ҳам мумкин, чунки маълумотлар аллақачон биллингга қайд этилган бўлади. Шунингдек, мижозлар билан ишлашда корхонанинг "Шаҳар маълумотлар хизмати" ҳам муҳим рол ўйнайди. Унда кунига 12-13 минг маълумотлар берилди. Шунингдек, "YELLOW PAGES" фирмаси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон" 2001/02 телефон маълумотномаси ишга туширил-

лайди. Корхонамиз режали равишда шаҳар таксофон тармоғини ривожлантириб келмоқда. Бугунги кунда пойтахтимизда шаҳар, шаҳарлараро, халқаро алоқа, факсларни узатиш ва қабул қилиш хизматларини тақдим қилаётган универсал сўзлашув шахобчаларига жойлаштирилган 300 дан ортиқ таксофонлар ишлаб турибди. Мазкур сўзлашув шахобчалари Тошкент шаҳридаги Олой, Паркент, Чорсу, Қўйлик, Авиасозлар, Фарҳод бозорларида

ҳамда Талабалар шаҳарчаси, Тиббиёт талабалари

шаҳарчаси ва бошқа жамоат жойларига ўрнатилган. Бу ишлар мижозларнинг таксофонларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида давом эттирилади.

"Тошкент шаҳар телефон тармоғи" акциядорлик жамияти 2002 йилда тармоқни янада кенгайтириш ва алоқа сифатини яхшилашни режалаштирмоқда. Рақамли алоқа каналлари, хусусан "4" билан бошланадиган АТС йўналишидаги Интернет тармоғини такомиллаштириш кўзда тутилган. Шаҳарда алоқанинг иккиламчи тармоғини яратиш билан боғлиқ янги истикболли лойиҳалар мавжуд. Буларни амалга ошириш кўпроқ корхонанинг молиявий аҳволи ва янги хизматларга бўлган талаб-эҳтиёжга боғлиқдир.

Б. МИРЗААХМЕДОВ,
"Тошкент шаҳар телефон тармоғи" АЖ
назорат хизмати
бошлиғи

ТОШКЕНТ ЕЛЕФОН АРМОҒИ:

БУГУН ВА ЭРТАГА

мўлжалланмоқда. Худди шу даҳадаги 116 ва 117-АТСлардаги 4,5 минг, Қорақамиш даҳасидаги 29-АТСнинг 2160 рақами янги асбоб-ускуналарга алмаштирилди. Ҳозирги вақтда Тошкент вилояти, Қўйлик тумани марказида шаҳар телефонлари ўрнатилмоқда. Бу мақсадлар учун 60-АТСдан 500 та рақам ажратилган.

Алоқа сифати бўйича корхонамизга ҳар куни 2 мингдан зиёд абонентлар мурожаат қиладилар. Ушбу телефон алоқаси носозликларининг тахминан 350 таси хонадонларда содир бўлмоқда. Шикоятларнинг 98 фоизи шу кунлик бартараф этилмоқда.

Акциядорлик жамиятининг Со бир Раҳимов филиалидаги 42-АТС компьютер техникаси билан жиҳозланиб, биллинг марказ билан боғланган. Ушбу АТСда мижозларга хизмат кўрсатишга мослаштирилган, замонавий қулайликларга эга кассалар мавжуд. Мисол учун, телефондан қарзи бор мижозлар қарзини шу кассаси

ди. Эндиликда, шаҳар маълумотлар хизмати жиҳдий модернизациялашга муҳтож бўлмоқда. Бу масалада корхонамиз барча манфаатдор шахсларга бизнесни замонавий техника асосида ривожлантириш билан бирга модернизациялаштиришни таклиф қиладир. Тадбиркорлар ўз товарлари ва хизмат кўрсатишларини реклама қилишга катта эҳтиёж сезади. Шунинг учун Тошкент Маҳсус хизмат боғламаси негизда маълумотларни сотиш ёки харид қилишда хизмат тўлови бўйича, йирик савдо марказларининг хусусий виртуал тармоғи, мобил алоқани Интернет билан бирлаштирувчи универсал электрон ва овозли почта, шунингдек, радиопейжер каби замонавий тизимлар ташкил этилган. Бу тизимлар фақат маълумотлар бериш билан чекланиб қолмасдан, савдо-сотик операцияларини амалга ошириш ва янги хизматлар тақдим этилишини таъмин-

"Халқаро почта" акциядорлик жамиятида почта жўнатмаларини қабул қилишдан тортиб манзилга жўнатишгача бўлган жараёнда бир неча тизимлар мавжуд. Булар ичида мижозлар

димлар мижозларга солинмаларни жойлаштириш, уларни эҳтиёт қилишга доир ҳолис масалада берадилар, уларни қизиқтирган барча саволларга бажонидил жавоб қиладилар ва ама-

ҲАММА НАРСА МИЖОЗЛАР УЧУН

билан тўғридан-тўғри муомалада бўладиган тизим — почтамининг "Халқаро почта жўнатмаларини қабул қилиш ва жўнатиш алоқа бўлими" алоҳида ўрин тутади.

Мазкур бўлимда аҳоли учун асосий хизматлардан ташқари ксерокс, халқаро йўналишдаги телефон, факс, жўнатмаларни жиддлаш каби қўшимча хизматлардан ҳам фойдаланиш имкониятлари яратилган. Шунингдек, хо-

лий ёрдам кўрсатадилар. Бу ерда ҳаммаёқ озода, саранжом-саримшқа, файзли.

Кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, уларнинг хилма-хиллиги, мижозларга бўлган ҳурмат ва эътибор натижасида алоқа бўлимининг ҳар ойлик умумий даромади ўртача 12 млн. сўмни ташкил қилмоқда.

Шухрат ПИРМУХАМЕДОВ,
Тошкент шаҳри



Суратда: «Халқаро почта» АЖ алоқа бўлимининг бошлиғи Фарида ХОЛИҚОВА.

СЎХЛИК АЛОҚАЧИЛАР ЭЛ ХИЗМАТИДА

Кейинги пайтларда тоғли Сўх туманида ҳам кўпгина ўзгаришлар рўй бермоқда. Вилоят марказидан узоқликка қарамай, мазкур туманда алоқа хизмати яхши йўлга қўйилган.

Айни кунларда туманда яшайдиган 5550 нафар пенсионерга ҳар ойида 50 миллион сўмга яқин пенсия тарқатилади. Сўх филиалидаги жами 7 та алоқа бўлимида ўн нафар хат ташувчи хизмат қилмоқда. Алоқа хизматларининг жонқуриликлари туфайли ҳар йили 5 мингга яқин газета ва журналларга обуна ташкил қилиниб, улар ўз вақтида эгаларига етказиб берилмоқда. Бу борада А. Абдурахмонов, Ф. Нишонов, А. Розиков, Р. Комилов, А. Хайдаров, С. Шарофидинов ва Т. Йўлдошева каби ходимларнинг хизмати катта бўлмоқда. Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги арафасида Сўх филиали "Қизилқиз" алоқа бўлими бошлиғи Олимжон Мирзабеков "Ўзбекистон

почтаси" ДАКнинг "Фахрий ёрлиғи", Чумоқча алоқа бўлими хат ташувчиси Туппанисо Йўлдошева эса "Фарғона почтаси" АЖнинг "Фахрий ёрлиғи" билан тақдирландилар. Бу сийловлар албатта сўхлик алоқачиларнинг ҳўл ва беғараз меҳнатларига берилган эл эътирофидир.

— Туманимиз қўшни Қўриғизон ва Тоғжикистон билан chegarалош, — дейди "Фарғона почтаси" АЖ Ровон филиали бошлиғи Зоҳиржон Юсуфов. — Туман марказидан эса 70 км. узоқликда жойлашганмиз. Бу ноқулайликлар газета ва журналларни манзилга ўз вақтида етказишда озгина қийинчилик туғдирмоқда. Ушбу масала юзасидан керакли чоралар кўриломоқда. Уйлаيمانки, бу масала ҳам тез орада ижобий ҳал этилади.

З. ДОМУЛЛАЕВ,
Фарғона вилояти

"ЎЗБЕКИСТОН МАРКАСИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2001 йил, 3 декабр, соат 14⁰⁰ да Навоий кўчаси, 28 "а" уйда бўлиб ўтади. Рўйхатдан ўтказиш соат 13³⁰ дан бошланади. Мурожаат учун телефонлар: 133-70-33, 144-48-72.

КУН ТАРТИБИ:

1. "Ўзбекистон маркаси" АЖ директорининг корхонани ойлик молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.
2. "Ўзбекистон маркаси" АЖ Кузатув Кенгашининг муддатидан илгари тўхтатиш ҳақида.
3. "Ўзбекистон маркаси" АЖ Кузатув Кенгашининг янги таркибини сайлаш.
4. "Ўзбекистон маркаси" АЖ Низомини қайтадан тасдиқлаш.

Кузатув Кенгаши

• Алоқа матбуот кўзгусида

БУШ ТЕЛЕФОНИ ЁМОН КЎРАДИМИ?

АҚШ Президенти Буш Оқ уйда уяли телефондан фойдаланишни таққикловчи фармойиш эълон қилди.

Президент маъмурияти ҳодимларидан бири норозинамо қўлдиради:

— Тўғри, уяли телефоннинг жириглаши асабга тегади, бироқ ҳозирча ҳеч ким бундан зарар кўргани йўқ-ку!

Энди ҳатто Американинг биринчи хоними ҳам турмуш ўртоғига оддий телефондан кўнгирок қилишга мажбур. Фармойиш барибир фармойиш-да!

ҚИРОЛИЧАГА СОВГА

Британия қироличаси Елизавета II га биринчи бор қўл телефони совға қилишди. Бу ҳақда АРР агентлигининг хабар беришича, совға қироличанинг ўғли шаҳзода Эндрю томонидан берилган. Маълумотга қўра, шаҳзода-нинг ўзи онасига қўл телефондан қандай фойдаланишни тушунтирган. Қиролича телефондан жамоатчилик олдидан фойдаланмайди, фақат узоқдалигига оила аъзолари билан боғланиш туради. Айтишларига қараганда, қўл телефони қироличага ниҳоятда ёқиб қолган.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Хоразм Телеком" АЖ Хонка филиали жамоаси корхонанинг техника хавфсизлиги муҳандиси **Ўринбой ПИРНАЗАРОВ**ни 60 ёшга тўлиши муносабати билан чин дилдан табриклайди. Унга узоқ умр, бахт саодат, оилавий хотиржамлик ва келгуси ишларида муваффақиятлар тилайди.

"Қашқадарё почтаси" очик турдаги акциядорлик жамияти жамоаси **Боймурот Тўлаев**ни таваллуд топган куни билан самимий муборакбод этади. Унга узоқ умр, сihat-саломатлик тилаб қолади.

"Навоий Телеком" АЖ ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари корхонанинг Навбахор филиали директори **Йўлдош Жўлиев**ни туғилган куни муносабати билан қизгин табриклайди. Унга узоқ умр, бахтли ҳаёт, ишларида янги ютуқлар тилайди.

"Андижон Телеком" АЖ ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари Андижон шаҳар бўлими телеграф муҳандиси **Ҳалимжон Ҳосилов**ни 60 ёшга тўлиши муносабати билан чин юракдан қутлайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, ишларида каттадан-катта муваффақиятлар ва оилавий хотиржамлик тилайди.

АМИРНИНГ УЙИ ҚОШОНА БЎЛСА...

Ироқлик бир камбағал аёл Умар ибн Абдулазизни қидириб келди. Одамлардан:

— Амирул мўминининг уйи қаерда? — деб сўраганида, бир хароба кулбани кўрсатишди.

— Мана шу кулба амирул мўминининг уйими? — деб ажабланди аёл. Сўнг ўша ҳовлига кириб, амирнинг аёли Фотимани кўрди. У офтобда ўтириб олган кўйи бугдой янчиб, ун қилаётган эди. Уни хизматкор деган гумонда:

— Амирул мўминининг хотини қаерда? — деб сўради.

— Ундан нима истайсан? — деди амирул мўминининг хотини.

— Ишим бор эди. Мен Ироқдан келдим.

— Амирул мўминининг хотини менман.

Аёл яна ажабланди. Амир хотинининг бу ҳолатидан тааж-жубланди. "Ранглири оқарган, чарчаган, кийимлари эски. Шу амирнинг хотини, шу-я?! Бизда қоровулнинг хотини бундан яхши кийинади. Амирул мўминининг хотинининг кийими йиртиқ-ямоқ бўладими-я? Ё Аллоҳ", деб ўйлар эди у.

Бир оздан кейин Умар ибн Абдулазиз келди. Қудуқдан сув олиб, тупроққа аралаштириб, лой қилиб, нураб кетган деворни сувай бошлади. Ҳар лаҳза-ҳар лаҳзада хотини Фотимага қараб қўярди.

Шунда ироқлик аёл Умарни мардикор деб ўйлаб, Фотима бинти Абдумаликка:

— Эй синглим! Бу лойгар сенга кўп қарапти, бошингни беркитсанг бўларди, — деди.

Фотима унга жавобан:

— Эй Аллохнинг бандаси, бу киши менинг эрим — амирул мўминин бўладилар, — деди.

Аёл ўзини тугулмасдан, йиғлаб юборди. Кўзларидан шашқатор ёшлар тўкилди. Бир оздан кейин Умар ибн Абдулазиз кўлини ювиб, аёлнинг олдига келди ва:

— Нима юмушингиз бор, холажон? — деб сўради.

Аёл айтди:

— Эй амирул мўминин. Мен эски уйимни тузатиш учун ёрдам сўрагани келган эдим, аммо бу уй менинг уйимдан ҳам хароб экан. Амирул мўминининг уйи меникидан хароб-

роқ экан.

Шунда Умар:

— Эй Аллоҳ таолонинг бандаси. Билинги, бу уйнинг хароблиги сизларнинг уйларингиз обод бўлишига сабабдир. Агар мен эски уйда яшасам, бу ҳолни ҳис қилиб, уйларингизни яхшилаб қуриб бераман. Эй холажон, айтинг, яна нима истайсиз? — деди.

— Менинг ўнта қизим бор, барчаси бошпанасиз. Уларнинг эри ҳам, бола-чақаси ҳам йўқ. Уларга бир оз мол беришингизни истайман, — деб ниятини баён этди аёл.

Умар ибн Абдулазиз Ироқ волиига мактуб ёза бошлади. Аёлдан: "Қаттасининг исми нима?" деб сўради. Аёл айтди. Умар "Фалонга юз динор", деб ёзди.

Аёл Аллоҳ таолога ҳамд айтди. Кейин иккинчи қизининг исмини айтди. Умар яна "Фалонга юз динор", деб ёзди. Аёл "Алҳамдулиллаҳ", деди.

Шундай ёзиб-ёзиб, ўнинчисига етиб келди. Аёл унинг ҳам исмини айтди. Унга ҳам юз динор ёзганида, аёл амирул мўмининга раҳмат айтиб, миннатдорчилик билдирди. Шунда Умар бирдан ўнинчисининг исмини ўчириб ташлади. Аёл ҳайрон бўлиб:

— Нега уни ўчирдингиз? — деб сўради.

— Мен қизларингизнинг ҳар бирига ҳақ ёзганимда "Алҳамдулиллаҳ" деб турдингиз. Мен байтул молдан улуш ажратавердим. Аммо ўнинчисининг номини ёзганимда менга раҳмат айтдингиз. Менда мол бўлмаса, унга юз динорни қареддан олиб бераман? Бир кунлик даромадим динорнинг тўртдан учига тенг. Бўлмаса, шуни ола қолинг. Опаларига айтинг, берилган моллардан унга ҳам улуш ажратишсин, — деб Умар ибн Абдулазиз Ироқ волиига ёзган мактубини аёлга узатди.

Хуллас, аёлнинг "раҳмат" деган сўзига амирул мўминин рози бўлмади. Аммо ироқлик аёл унинг ҳузуридан хурсанд бўлиб чиқиб кетди.

«САОДАТ ҚУЧАНЛАР
ИБРАТИ» китобидан

24 СОАТ ИЧИДА

"Яшашни хоҳласанг — ҳаракатингни тезлат!" — бу ҳозирги хинд киночиларининг асосий шиори. 1999 йили машҳур бўлган чет элнинг рақобатчи кинолентасини экрандан сиқиш чикариш учун хинд кинематографлари тўла метрражли фильм ишлаш бўйича жаҳон рекордини ўрнатди. Улар 24 соат ичида бутун бошли картина яратди. Ўшанда фильм режиссёри Гирирадиллол Нагпал 14 бош қаҳрамон, 12 аёл образи, 9 тўй, бир юрак хуружи, одам ўғирлаш, ур-йиқит ва бахтли яқинланувчи сюжет яратганди. Кинони суратга олиш 8 апрел кuni эрталаб соат 7 да бошланиб, эртасига соат 6.50 да тайёр бўлди!

СУПЕРКОМПЬЮТЕР

Американинг IBM корпорацияси янги суперкомпьютер яратди. Ушбу компьютер секундига 12,3 триллион операцияни баҳара олади. IBM вакилларининг сўзларига қараганда, худди шунча операцияни баҳариш учун оддий калькулятор билан қуролланган кишига 10 миллион йил керак бўлар экан.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси "Алоқа дунёси" журнали бош муҳаррир ўринбосари А. Қудировга укаси

Владимир Николаевич КУДИНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Давлат алоқа инспекцияси жамоаси Фарғона вилояти ДАИ бошлиғи Қ. Исмоиловга акаси

Ғуломжон УСМОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирди.



Хива. Калта Минор.

— Дунёда ота дуои бадидан ҳам ёмонроқ қарғиш йўқ.

— Ўғлимни тўнғизга айланингани кўргаймен, эй худо!

Ота сидқидилдан қаргаган экан, қарғиши мустажоб бўлиб, ўғли тўнғизга айланибди. Чора йўқ, ота тўнғиз ўғлини оғилхонага, моллар қаторига боғлабди. Минг қилса ҳам фарзанд эмасми, юраги доғланиб, оҳ уриб йиғлабди.

Йиллар ўтиб номақбул ўғил-

одоб билан кутиб олиб, уйининг тўридан жой берибди. Овқат сузилганда биринчи товоқни меҳмон олдига қўймай — ичкарига — оғилхонага олиб ўтибди, иккинчисини меҳмонга келтирибди.

Мусофир ҳайратланиб:

— Ўғлим, меҳмон отангдай улуг, деганлар. Нима учун биринчи товоқни ичкарига олиб кириб кетдингиз? — деб сўрабди.

ОТА ҚАРҒИШИ — ЎҒ

нинг ҳам ўғли вояга етибди. Набираси ўзидай меҳрибону меҳмондўст, одобда бекаму-кўст бир йигит бўлиб ўсибди. У ўз отасининг тўнғизга айланиб, оғилхонада боғланиб турганини билмас экан.

Ва ниҳоят бобоси дунёдан кўз юмар чоғи ўғли билан сидир бўлган муҳиш воқеани набирасига бир-бир тушунтирибди.

— Жаҳл устидида лаънатладим, кўзим очиклигидида ўғлимни инсон қиёфасида қайта кўриш насиб этмади, — деб йиғлабди. — Энди фақат одобли ўғилнинг илтижосигина уни одамга айлантириши мумкин, бўтам, ушбу сўзларимни ёдингдан чиқарма.

Шу кундан бошлаб чолнинг набираси тўнғиз-отасига меҳр-қўя бошлабди. Ҳар кун оватнинг аввалини тўнғиз-отасига киритиб берадиган бўлибди. Тўнғиз-отанинг кўзларига ёш айналармиш. Булар тавба ифодалари экан.

— Қунлардан бирида кечки пайт йигитнинг эшигини бир мусофир қоқибди. Мезбон уни

Йигит иймана- иймана юрак бағри куйиб, бутун воқеани сўзлаб бергач:

— Бобом ўғли фироқида оламдан ўтдилар, эҳтимол мен ҳам отамни одам қиёфасида кўрмасман, — дебди.

Шунда мусофир:

Қуйинманг, ўғлим, сизнинг отангизга бўлган меҳр-муҳаббатингиз муродингизга еткурғай, иншооллох!... — деб дастурхонга фотиҳа ўқиб ҳайрлашибди.

Йигит меҳмонни кузатгач, бўшаган товоқни олай деб оғилхонага кирса, отаси асл қиёфасида боғлоглиқ турган эмиш. Йигит югуриб бориб отасини бағрига босибди. У инсон қиёфасига киргани билан тили калимага келмас эмиш. Бояқиш отасининг оламдан ўтганини эшитиб, баттар кайғуга ботибди. Ўғли билан отасининг қабрига бориб, бўкириб- бўкириб йиғлаб, тили калимага келибди...

Ота руҳи қувватлармиш ўғил сидқидилдан юқунса, ота руҳи азобларан ўғил салга ўқинса. Ота қадрин баланд тутган фарзанд таҳсинга лойиқ.

• Ажаб дунё

ДУБДАГИ ХАЗИНА

Болгариянинг Рудозем кишлоғида чакмоқ чақиб, қадимий дуб дарахтига қилиб тушди. Натижада дарахт тезда ёниб, қулға айланди. Бу ерга етиб келган бир неча кишининг кўзи қул ичидаги қачонлардир дубга беркитилган металл идишга тушди. Очиб қарашса, унинг ичи олтин тангаларига тўла экан. Мутахассисларнинг фикрича, тангалар бундан уч юз йил илгари зарб этилган экан.

ЎН БЕШ ЙИЛ ГУВОҲНОМАСИЗ

Германиянинг Бавария шаҳарчасидаги полиция кам учрайдиган ҳодисани қайд этди. Уша ерлик бир ҳайдовчи 15 йилдан бери гувоҳномасиз машина бошқаркан. Ҳайдовчининг бундай қонунасиз "марафони" агар у йўл ҳаракати қоидабини бузмасдан яна узок давом этиши мумкин эди.

Газетамизнинг навбатдаги сони 23 ноябрда чиқади.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Шомансур ОБИДУЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирфўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОВ
Ёкубжон ХЎЖАБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК

КЕНГАШИ:

Саидмахмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:

136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.

Факс: 136-36-42.

ИНДЕКС: 64600

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Тахриратга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақола-лардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот қўмитасида
00011 рақам билан рўйхатга
олинган.

Буюртма № Г-3039.

4482 нахшадан чоп

этилди.

Офсет усулида

босилди.

Бичими А-3, ҳажми 1

босма тобқ.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-

МАТБАА

АКЦИЯДОРЛИК

КОМПАНИЯСИ

БОСМАХОНАСИ.

Манзили:

Тошкент шаҳри,

«Буюк Турон» кўчаси,

41-уй.

Босишга топширилди — 18.00

Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6